

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АДАМБАЕВА НАРГИЗА КАДАМБАЕВНА

ИНГЛИЗ, РУС ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА
ХОРАЗМ АДАБИЙ МАНБАЛАРИ ТАДҚИҚИ

10.00.06 - Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

УЎК: 821.512.133

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**The contents of the dissertation abstract of a Doctor of Philosophy (PhD) in
Philology**

Адамбаева Наргиза Кадамбаевна

Инглиз, рус ва ўзбек адабиётшунослигида Хоразм адабий манбалари

тадқиқи 5

Adambaeva Nargiza Kadambaevna

Study of the Literary Sources of Khorezm in English, Russian and Uzbek Literary

Criticism 21

Адамбаева Наргиза Кадамбаевна

Исследование литературных источников Хорезма в английском, русском и

узбекском литературоведении 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 46

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АДАМБАЕВА НАРГИЗА КАДАМБАЕВНА

ИНГЛИЗ, РУС ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ХОРАЗМ
АДАБИЙ МАНБАЛАРИ ТАДҚИҚИ

10.00.06 -Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Fil568 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Халлиева Гулноз Искандаровна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жўраева Малоҳат Мухамадовна
филология фанлари доктори, доцент

Омонов Қудратилла Шарипович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «05» август соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 14-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-27-57; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (76 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87.

Диссертация автореферати 2021 йил «23» июль кuni тарқатилди.
(2021 йил «23» июль даги 1047 рақамли реестр баённомаси).



Д.С.Ўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

З.И.Расулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н., доцент

М.М.Жўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон илм-фани адабиётшунослик, тарихшунослик ва таржимашунослик соҳаларининг интеграллашуви жараёнида туркийзабон адабий манбалар тадқиқи илмий анъана даражасига кўтарилди. Мазкур анъана хориж ва ўзбек шарқшуносларининг Хоразм адабий меросини ўрганишга бўлган илмий муносабатининг ижтимоий-сиёсий, диний, тарихий, лисоний-маданий омилларини макрокомпаративистика тамойиллари негизда назарий изоҳлаш вазифасини шартлантирди. Зеро, ўзбек мумтоз адабиётининг назмий ва насрий дурдоналари талқинини тарихий, гносеологик, мантикий, методологик, маънавий-ғоявий мезонлар воситасида қиёсий баҳолаш Хоразм адабий муҳити ва тафаккурини, мумтоз адабиётимиз, она тилимиз тарихий тараққиётини илмий идрок этишга, матншунослик ва адабий манбашунослик соҳаларини ривожлантиришга имкон яратади.

Дунё туркологияси доирасида хоразмшунослик йўналишининг салмоқли улуши ҳисобланган Хоразм адабий меросини ўрганишга бағишланган кўламдор илмий ишлар адибларнинг бадиий маҳорати, бадиий тафаккур салоҳияти, адабий ҳодисаларнинг тарихий тараққиёт жараёни билан боғлиқлиги, жанрлар таркиби, адабий таъсир, таржимада шакл ва мазмун масалаларини қамраб олади. Азалдан улкан цивилизациялар макони сифатида тан олинган Хоразм адабиёти, тарихи, маданиятини ўрганиш борасида яратилган, бутунжаҳон архив фондларида сақланаётган кўлёмаларни илмий чоғиштириш, ўз навбатида, рус ва инглиззабон адабиётшунослигидаги хоразмшуносликнинг муштарак ва ўзига хос томонларини юзага чиқаришга, объект асарларнинг қомусий табиатини аниқлашга, уларнинг лингвопоэтик, мифопоэтик қирраларини очиб бериш қонуниятларини белгилашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда юз бераётган глобал ўзгаришлар кўламида қиёсий адабиётшунослик, таржимашунослик, адабий манбашунослик соҳаларини ривожлантириш, хусусан, миллатимиз ўтмиши, маданияти, анъаналарини асрлар оша ўзида сақлаб келаётган мумтоз адабиёт намуналари саналган Хоразм туркий адабий манбаларини ўрганиш, хорижий тилларга таржима қилиш орқали дунё илм аҳлига танитиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, «...жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ва ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини чет тилларига таржима қилиш долзарб масалалардан биридир»¹. Хива шаҳрининг 2500 йиллиги, Хоразм Маъмун академиясининг 1000, “Авесто” ёдгорлигининг 2700, Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800, Муҳаммадризо Огаҳий таваллудининг 210 йиллигини нишонлаш каби қатор ҳукуматимиз қарорлари бу борадаги илмий ишларга ҳам кенг йўл очиб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 24 майдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши.//Халқ сўзи, 2017 йил 13 январь. -№9 (6703).

ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3074-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2894-сон «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи худудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида»ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 мартдаги №238-сон “Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий таваллудининг 210 йиллигини нишонлаш ҳамда Хива шаҳрида Огаҳий ижод мактабини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг: I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонамизга қадар инглиз, рус ва ўзбек адабиётшунослигида Хоразм туркий адабий манбалари бўйича анча илмий ишлар амалга оширилган. Ўзбек адабиётшунослигида илмий ишлар асосан XIX асрнинг етук шоири, тарихчиси ва таржимони Муҳаммад Ризо Огаҳий ижодини ўрганишга бағишланган². Айрим тадқиқотларда Хоразм адабий муҳитида ижод қилган бошқа шоир ва таржимонларнинг назмий дурдоналари тадқиқ қилинган³. Бу тадқиқотларда ҳар бир мавзунинг

²Мажидий Р. Огаҳий лирикаси: Филол. фан. номз... дис. автореферати. – Тошкент, 1961. – 22 б.; Долимов С. Огаҳийнинг ҳаёти ва ижоди: Филол. фанлари номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1963. – 21 б.; Комилов Н. Шоир ва таржимон Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг бадиий маҳорати: Филол. фанлари номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1970. – 24 б.; Ўша муаллиф: Хорезмская школа перевода. Проблемы типологии и сопоставительное исследование истории перевода в XIX в. Автореферат на соискание ученой степени доктора филологических наук. – Ташкент, 1987. – 42 б.; Ганихўжаев Ф. “Таъвиз-ул-ошиқин” девони ва унинг илмий-танқидий матни: Филол. фанлари докт... дисс. автореф. – Тошкент, 1998; Пиримкулов А. Огаҳий маснавийлари: Филол. фанлари номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 24 б.; Салаева М.С. Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг маърифий-педагогик қарашлари: пед. фанлари номз. ... дисс. Тошкент, 1999. – 139б.; Матёкубова М. Огаҳий лирикасида кичик жанрлар: Филол. фанлари номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 24 б.; Матякубова М.Х. Огаҳий ижодида кичик жанрлар : Филол. фанлари номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 23 б.; Холлиева Г. Огаҳий мусамматлари: Филол. фанлари номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 24 б.; Султонова Қ.А. Огаҳийнинг “Гулшани давлат” асари адабий манба сифатида: Филол. фанлари номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 24 б.; Исмаилов И. Огаҳийнинг форсий мероси: Филол. фанлари номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Ахмедова Г. Огаҳийнинг адабий танқидий қарашлари: Филол. фанлари номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 23 б.

³ Ганихўжаев Ф. Аҳмаджон Табибийнинг ҳаёти ва ижоди: Филол. фанлари номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1969. – 24 б.; Расулова Ф.Ш. Аваз Ўтар ўғлининг маърифий-педагогик қарашлари: пед. фанлари номз. ... дисс. Тошкент, 1993, 133б.; Исмаилова Г. Феруз даври адабий муҳити : Филол. фанлари номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1995. – 23 б.; Абдулхайров М.Х. “Девони Мунис” тилининг лексик қатламлари: филол. фанлари номз. ... дисс. Тошкент, 1996. 122б.; Юлдашева М.Т. Аваз шеърлятида анъана ва маҳорат: филол. фанлари номз. ... дисс. Тошкент, 2006. 147б.; Маткаримова С. Табибий- тазкиранавис (Мажмуаи си шуарои пайрави Ферузшоҳи асосида): Филол. фанлари номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 23 б.; Бердимуратова М.Р. Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмий адабий мероси: филол. фанлари номз. ... дисс. Тошкент, 2010. 160б.

ўрганилиш даражаси ёритилган, аммо ўзбек адабиётшунослигида Хоразм туркий манбалари тадқиқи махсус ўрганилмаган.

Рус шарқшунослигида Хоразм туркий манбалари П.М.Мелиоранский, И.Берёзин, А.Амирханянц, В.Радлов, А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс, Н.Кононов, С.Н.Иванов, Р.Бухараев каби олимларнинг тадқиқотларида ёритилган⁴. Ушбу фундаментал илмий ишлардан фақат академик А.Н.Самойловичнинг баъзи мақолалари Л.Дмитриева, Г.Халлиева каби олимлар томонидан ўрганилган холос⁵.

Инглиз шарқшунослигидаги тадқиқотлар асосан америкалик олим Ю.Брегельнинг илмий изланишларида ўз аксини топади⁶. Аммо инглиззабон адабиётшуносликда Хоразм туркий адабий манбалари тадқиқи масаласи ҳам деярли ўрганилмаган. Кузатилганидек, юқорида келтирилган илмий ишлар улар ҳақида яхлит бир монографик тадқиқот яратишни, бу орқали дунё илм фанида Хоразм туркий адабий манбаларига бўлган қизиқиш ва омилларни белгилашни, хоразмшуносликнинг ўзига хос жиҳатларини макрокомпаративистик нуқтаи назардан ёритишни тақозо қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Англия ва Америка адабиёти тарихи ва долзарб масалалари, бадиий таҳлил усул ва тамойиллари, устувор илмий йўналишлари» мавзуси доирасида тайёрланган.

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм туркий адабий манбаларининг инглиз, рус ва ўзбек адабиётшунослигидаги тадқиқини қиёсан ўрганиш асосида муштарак ва ўзига хос томонларини илмий-назарий аспектда ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Хоразм туркий адабий манбаларини ўрганишнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий омилларини, мавзулар қўлами ва методологик ёндашув тамойилларини аниқлаш;

хориж ва ўзбек олимларининг Хоразм туркий адабий манбаларига оид

⁴Қаранг: Қаранг: Дмитриев Н.К. Труды русских ученых в области тюркологии //Уч. зап. МГУ. –Т. III, кн. 2, вып. 107. – М.,1946.–С. 63–70; Лунин Б.Б. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении.–Ташкент:Наука,1965; Кононов А.Н. Библиографический словарь отечественных тюркологов. –М.:Восточная литература, 1974; Стеблева И.В. Изучение теории восточных литератур в РоссииXXвек. –М.: Вос. Лит.,1996. –47 с; Стеблева И В. Изучение тюркских литератур в РоссииXXвек . –М.: Вос. Лит.,1998.–55 с.

⁵Дмитриева Л.Д. Материалы к описанию рукописного наследия А.Н.Самойловича // Народы Азии и Африки. –М. 1966, №3. –С.206–21; Халлиева Г. И. Россия шарқшунослиги ва ўзбек мумтоз адабиёти.-Т: Мумтоз сўз, 2019. -Б.77-106; Халлиева Г.И. А.Н. Самойлович ва XIX аср Хоразм адабий муҳити. // Илм сарчашмалари. –Урганч. 2009.– №6. –Б.69–71.

⁶ Брегель Ю.Э. Сочинения Баяни «Шажараи Хваразмшахи». Как источник по истории туркмен. Краткие сообщения института народов Азии. XLIV. Лиературоведение и изучение памятников. Москва, 1961, -С. 125-157; Y. Bregel, 'The Tawārīkh-i Khārazmshāhiya by Thanā'ī: The Historiography of Khiva and the Uzbek literary language', in: Aspects of Altaic Civilization II. Proceedings of the XVIII PIAC, Bloomington, June 29-July 5, 1975, L.V. Clark, P.A. Draghi (eds.), Bloomington 1978, pp. 17-32; Y. Bregel, 'Tribal Tradition and Dynastic History. The Rulers of the Qongrats according to Munis', in: Asian and African Studies. 16/3 (1982); Firdavs al iqbal History of Khorezm, edited by Yuri Bregel. Leiden. New York. 1988. –1280 p; Firdavs al iqbal History of Khorezm. Translated from Chaghay and Annotated by Yuri Bregel, Leiden Boston, 1999. –718 p.

тадқиқотларини макрокомпаративистика нуқтаи назаридан очиб бериш;

америкалик олим Ю.Брегельнинг илмий изланишларини таҳлил, таржима ва тадқиқ этиш;

рус шарқшунослигидаги Хоразм туркий адабий манбалари билан боғлиқ янги маълумотларни архив материаллари асосида далиллаш;

Лондонда яшаб ижод қилган таржимон, шоир, публицист Равиль Бухараев тадқиқотларини ёритиш;

Бенедек Перининг Ҳайдар Хоразмий ижодига оид тадқиқотларини ўрганиш ва илмий истифодага киритиш;

Хоразм туркий адабий манбаларининг инглиззабон, рус ва ўзбек адабиётшунослигидаги тадқиқини қиёсан ёритиш, умумий ва хос жиҳатларини аниқлаш;

Хоразм адабий муҳитининг ижоди деярли ўрганилмаган шоирлари адабий фаолиятини илмий-назарий жиҳатдан ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиззабон, рус ва ўзбек олимларининг Хоразм туркий адабий манбаларига оид тадқиқотлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети инглиз, рус ва ўзбек адабиётшунослигида Хоразм адабий манбаларининг муштарак ва ўзига хос томонлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-тарихий ва матн таҳлили усулларида, тарихий, гносеологик, мантиқий, методологик, маънавий-ғоявий мезонлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Хоразм туркий адабий муҳитини ўрганишнинг илмий асосларини шакллантирган бирламчи омиллар – Хоразм давлатчилигидаги, хусусан, Хива хонлигидаги тарихий шароит ва маданий маърифий тараққиёт, худудни эгаллашга қизиқиш ортидаги унинг маданияти, тарихи ва адабиётини ўрганиш, элчилар фаолияти ва маданий алоқалар бўлганлиги далилланган;

инглиззабон ва рус адабиётшунослигидаги тадқиқотлар илмий-танқидий матн яратиш, услубий унсурларни баҳолаш, таржима ва таржимани асл матн билан қиёслаш каби жараёнлардан иборат *матншунослик* ва ижтимоий-сиёсий, диний-тарихий, маданий, қиёсий синтез усуллариаро воқеланадиган *манбашунослик* нуқтаи назаридан олиб борилганлиги асосланган;

Хоразм адабий манбаларини тадқиқ қилишда инглиз ва рус адабиётшунослигида қиёсий-тарихий, ижтимоий-сиёсий методлар, таржима матнларининг устуворлиги, ўзбек адабиётшунослигида эса лингвопоэтик, мифопоэтик, диний-тарихий методлар, бирламчи (аслият) қўлёзма манбаларнинг устувор эканлиги исботланган;

ҳар учала адабиётшуносликда Хоразм адабий манбалар мундарижасининг фалсафий-ахлоқий моҳияти, лирик қаҳрамоннинг руҳий олами, инсонга хос бўлган садоқат, сабру қаноат, ҳалоллик, ирода, шукр, ҳокисорлик каби фазилатларнинг талқини, бадий маҳорат ва тафаккур масалалари марказий мавқе эгаллаши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Диссертацияда ёритилган мавзулар, хусусан, Мунис, Огаҳий, Холис, Девоний каби шоирлар асарларининг таржима воситасида инглиз ва рус адабиётига кириб бориши тарихини ойдинлаштирган, фанга номаълум қарашлар илмий истифодага киритилган. Ушбу мавзу бўйича яратилган монография, олий таълим тизимидаги бакалаврият ва магистратура талабаларига ўқитиладиган дарсликлар билан бир қаторда кўшимча адабиёт сифатида киритилган.

Тадқиқотнинг назарий хулосаларидан турли маъруза, семинар машғулотлари, битирув малакавий иши, магистрлик диссертацияси тайёрлаш, ўқув адабиётлари яратишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги чиқарилган хулосаларнинг қиёсий-тарихий ва матн таҳлили усуллари, тарихий, гносеологик, мантиқий, методологик, маънавий-ғоявий мезонлар билан асосланганлиги, муаммонинг аниқ қўйилганлиги, инглиз, рус ва ўзбек адабиётшунослигида Хоразм адабий манбаларининг муштараклиги ва ўзига хослигини қиёсий далиллашда илмий-бадий манбаларга таянилганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган илмий-назарий хулосалар Хоразм туркий адабий манбаларини ўрганишнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий омилларини, мавзулар кўлами ва методологик ёндашув тамойилларини аниқлаш, таълим ва тарбия жараёнини такомиллаштириш, Хоразм туркий адабий манбаларининг жаҳон адабиётшунослигидаги тадқиқини қиёсан ёритиш, умумий ва хос жиҳатларини аниқлаш йўналишидаги янги тадқиқотларга кенг йўл очиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан олий ва ўрта махсус таълим тизимида, умумтаълим мактабларида ўзбек мумтоз адабиёти, жаҳон адабиёти, қиёсий адабиётшунослик, хоразмшунослик, адабий алоқалар, манбашунослик, матншунослик, бадий таҳлил поэтикаси фанларини ва махсус курсларни ўқитишда, фундаментал ва амалий лойиҳалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз, рус ва ўзбек адабиётшунослигида Хоразм туркий адабий манбалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

инглиз адабиётшунослигидаги XIX аср Хоразм адабий муҳитидаги тил вазияти, хусусан, Мунис ва Огаҳий тарихий асарлари тилининг жамиятнинг ҳар хил қатламлари томонидан турлича тушунилишига оид илмий хулосалардан ОТ-Ф1-71 “Илк ва ўрта асрлар Марказий Осиё минтақасида этнолингвистик вазият” мавзуидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 89-03-5569-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида амалга оширилган илмий ишлар материалларининг фактик

далиллар билан бойитилишига эришилган;

қиёсий адабиётшунослик ва таржимашуносликнинг асосий тушунча ва тамойиллари, замонавий адабиётшуносликда тарихий, гносеологик, мантикий, методологик, маънавий-ғоявий мезонлар асосида қиёсий таҳлил қилиш билан боғлиқ хулосалардан Эрасмус + дастурининг 585845-EPP-1-2017-1-ES-EPPKA2-SBHT-JP “Development of the interdisciplinary master program on Computational Linguistics at Central Asian Universities: CLASS” лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2021 йил 27 январдаги 89-03-501-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида яратилган лингвистик дастурларнинг такомилга эришилган;

Хива хонлигидаги маданий-маърифий тараққиёт, кўлёмалар талқини, Хоразм манбаларини ўрганишнинг илмий асосларига доир хулосалардан ФЗ-2016-Ғ908165532 “Қорақалпоқ тилининг янги алфавити ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2021 йил 27 январдаги 89-03-501-сон маълумотномаси). Натижада она тили ва адабиётини ривожлантириш бўйича яратилган инновацион методика назарий асосининг мустаҳкамланишига хизмат қилган;

рус шарқшунослари ва ўзбек олимларининг адабий-эстетик қарашлари, инглиз ва рус адабиётшунослигида халқимизнинг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари, маънавияти ва менталитети ёритилган хулосалардан ҳамда “Фирдавс ул-иқбол” асарининг Ю.Брегель тайёрлаган илмий-танқидий матни нашри асосида чоп этилган “Инглиз шарқшунослигида Хоразм туркий манбалари” номли монография ҳамда Санкт-Петербург ва Тошкент фондларидаги Хоразм туркий-адабий манбалардан “Ичан-қалъа” давлат музей-қўриқхонаси материаллари фондини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 6 январдаги 05-12-08-48-сон маълумотномаси). Натижада ушбу материаллар экспозицияларда кенг тарғиб этилиб, ёшларимиз онгига миллий ғурур, миллий ифтихор, ватанга садоқат ва истиқлол ғояларига меҳр-муҳаббат туйғуларини сингдиришга хизмат қилган;

Хоразмда турли даврларда яратилган, Россия фондларида сақланаётган кўлёмза, нодир асарлар ва каталоглар ҳамда шу пайтгача ижоди деярли ўрганилмаган Хоразм шоири Рожий ижоди тадқиқига доир хулосалардан Хоразм вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Хоразм!” “Маърифатнома” дастурлари, “Адабий муҳит”, “Баркамол авлод” радиоэшиттиришлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган. (Хоразм вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 6 январдаги 33-сон маълумотномаси). Натижада эшиттириш ва кўрсатувларнинг мавзулари кўлами бойитилган, телетомошабинлар ва радиоэшитувчиларнинг Хоразм адабиётининг жаҳоний миқёсдаги ахамияти ҳақида кенг маълумотга эга бўлишларига имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши бўйича жами 27 та илмий иш нашр этирилган. Шулардан, 1 та илмий рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та: 4 та республика ҳамда 1 та хориж журналларида мақола чоп этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илоадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 140 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Мазкур диссертациянинг **Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ҳамда вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Хоразм туркий адабий манбаларини ўрганишнинг илмий асослари**» деб номланган биринчи боби уч фаслдан иборат. Бобнинг биринчи фаслида муаммога қизиқишнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий омиллари очиқ берилган. Туркий тилда ўлмас асарлар яратган Сулаймон Боқирғоний, Рабғузий, Хофиз Хоразмий, Қутб Хоразмий, Ҳайдар Хоразмий, Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Аҳмад Табибий, Муҳаммад Юсуф Баёний каби кўплаб иқтидорли шоир, тарихчи, таржимонларнинг асарларига қизиқиш ва ўрганиш ўз давридаёқ бошланган. Ушбу муаммонинг ижтимоий-сиёсий омиллари Ўрта Осиёнинг забт этилиши, бир қанча қўлёмаларнинг Россия ва Европа фондларига олиб кетилиши билан боғлиқ. Илмий адабиётларда изоҳ берилганидек, Хива хонлигига қизиқиш натижасида Н.Н.Муравьёв, Г.И.Даниелевский, Е.Я.Килевейн, Н.Залесов, М.Н.Галкин, А.Н.Веселовский, А.Н.Самойлович, В.В.Бартольд, Н.Остроумов каби олимларнинг асарлари вужудга келган⁷.

Мазкур муаммонинг маданий омиллари Франция, Англия, Финляндия,

⁷ Муравьёв Н.Н. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819–1820 годах гвардейского генерального штаба капитан Николая Муравьёва, посланного в сии страны для переговоров. Ч.1. Ч.2. М.1822; Даниелевский Г.И. Описание Хивинского ханства // ЗРГО Книга V. СПб.1851.С.62–140; Килевейн Е.Я. Отрывок из путешествия в Хиву и некоторые подробности во время правления Сеид Мохаммед хана 1856–1860 гг Известия ИРГО. СПб 1861.С.95–108.; Залесов Н. Посольство в Хиву Даниелиевского в 1842 г. Военный сборник.1866 №5; Галкин М.Н. Этнографические и исторические материалы по Средней Азии и Оренбургскому краю СПб 1869; Веселовский Н.И. Очерки историко-географических сведений о Хивинском ханстве .СПб.,1877.; Самойлович А.Н. К изучению Хивы и Хивинского ханства // Живая старина, год 18 вып 2–3 отд.3.–М.,1909.С.285–296; Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана. Л., 1927.

Россия каби бир қанча мамлакатларда шарқшунослик илмий марказлари, олий таълим масканлари очилиши билан ҳам боғлиқ. Демак, бир томондан Хива хонлигидаги тарихий шароит ва маданий маърифий тараққиёт, иккинчи томондан юртимизни эгаллашга қизиқиш ортидаги унинг маданияти тарихи ва адабиётини ўрганиш масаласи Хоразм туркий адабий манбаларини ўрганишнинг илмий асосларини яралишига замин бўлди.

I бобнинг иккинчи фаслида Хоразм мумтоз туркигўй шоирлари жумладан, туркий тилда ўлмас асарлар яратган Сулаймон Боқирғоний (XII аср), Рабғузий (XIII-XIV аср бошлари), Хофиз Хоразмий (XIV аср), Қутб Хоразмий (XIV аср), Ҳайдар Хоразмий (XIV аср охири XV аср I-ярми), Абулғози Баҳодирхон (1603-1664), Андалиб (1710-1770) Мунис (1778-1829) Огаҳий (1809-1874), Комил Хоразмий (1825-1899), Муҳаммадрасул Мирзо (1840-1922), Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1844-1910), Аҳмад Табибий (1869-1911), Мутриб Хонахаробий (1870-1925), Аваз Ўтар (1884-1919), Муҳаммад Юсуф Баёний (1840-1923) каби кўплаб иқтидорли шоир, тарихчи, таржимонларнинг ижоди тадқиқ қилинган. Умуман, Хоразм мумтоз туркигўй шоирлари яратган асарларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) шеърӣ асарлар;
- 2) тарихий-бадиий асарлар;
- 3) таржима асарлар.

Ҳар бир таснифдаги асарлар Хоразм мумтоз адибларининг юксак ва кенг қамровли ижоди акс этганидан дарак беради. Уларни ҳар бир турини ўрганиш алоҳида алоҳида тадқиқот ишларини талаб қилади.

Юқорида баён қилинган ва бошқа Хоразм мумтоз адиблари ижодини ўрганишнинг илмий асослари қуйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, Хоразм шоирларининг юксак иқтидор эгалари эканлиги, асарларида бугунги кун учун ҳам муҳим бўлган ғояларнинг акс этиши.

Иккинчидан, бугунги ёш авлод, фанга номаълум Хоразм адибларини ҳам билиши ва ижодидан баҳраманд бўлиши кераклиги;

Учинчидан, жаҳон илм фанида Хоразм туркий адабий манбалари тадқиқи муҳим масалалардан бири экани, Мунис, Холис, Феруз, Огаҳий, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар каби шоирларнинг ўлмас асарлари ўзбек мумтоз адабиётининг ўзига хос ва такрорланмас саҳифалари ҳисобланиши, бу улуғ сўз санъаткорларининг ижодий мероси билан боғлиқ тадқиқотларни ўрганиш, Хоразм туркий адабий манбалари бўйича фанга номаълум қарашларни юзага чиқариши, уларнинг ижоди билан боғлиқ муҳим масалаларга ойдинлик киритиши ва ҳ.к. масалалар.

I бобнинг учинчи фаслида хориж ва ўзбек адабиётшунослигида мавзулар кўлами ва методологик ёндашув тамойиллари таҳлил ва талқин қилинган. Инглиз, рус ва ва ўзбек адабиётшунослигидаги Хоразм туркий адабий манбаларига оид тадқиқотларни ўрганиш макрокомпаративистика объекти саналади. Макрокомпаративистика қиёсий адабиётшунослик йўналиши бўлиб, ҳар хил илмий мактабларнинг ўзаро чоғиштирилишига асосланади. Инглиз тилидаги материаллар саёҳатчи, дипломат, ҳарбийлар ва олимлар

фаолияти билан боғлиқ. Улар турли хил жанрларда: кундаликлар, каталоглар, илмий-танқидий матн, таржима кабиларда ўз ифодасини топади. Россияда Хоразм адабий манбаларини тўплаш, ўрганиш XIX асрдан бошланган. Рус шарқшунослигидаги дастлабки тадқиқотлар Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” ва Рабғузийнинг “Қиссасул анбиё” асарлари тадқиқи билан боғлиқ. Кейинги тадқиқотлар Ҳайдар Хоразмийнинг “Махзан ул асрор”, Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”, Мунис ва Огаҳийнинг “Фирдавс ул-иқбол” асарлари, Хива адабий муҳити, сарой шоирлари, адабий жанрлар ва бошқа муҳим адабий жиҳатлар ҳақида ноёб маълумотларни ёзиб қолдиришган. Ўзбек адабиётшунослигида ўрганилган мавзулар кўлами анча кенг бўлиб, улар тазкира ва илмий ишларда ўз аксини топади ҳамда Хоразм адабий муҳитининг турли қирраларини очиб беради. Хоразм шоирларига оид энг дастлабки адабий-танқидий қарашлар Алишер Навоийнинг “Мажолис-ун нафоис” асарида баён қилинган. Хоразм туркий адабий манбаларининг ўрганилишида С.Долимов, Ғ.Каримов, Р.Мажидий, Қ.Муниров, Н.Комилов, В.Абдуллаев, Ғ.Саломов, Ж.Шарипов, А.Абдуғафуров, Н.Маллаев, Х.Сулаймонов, Ф.Ғанихўжаев, И.Ҳаққулов тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этиб, кейинги яратилажак барча илмий изланишлар учун методологик асос ва намуна бўлиб хизмат қилган. Хориж ва ўзбек адабиётшунослигида мавжуд илмий ишларни ўрганиш асосида олимларнинг турли хил илмий назарий методларга таяниб иш олиб боришгани маълум бўлди. Жумладан, инглиззабон ва рус олимлари кўпроқ қиёсий тарихий метод, ўзбек олимлари эса лингвопоэтик, мифопоэтик методлар асосида ўз изланишларини олиб боришган. Статистик, биографик, анализ, синтез, индукция, дедукция каби назарий методлардан деярли барча тадқиқотчилар фойдаланишгани кузатилди.

Диссертациянинг II боби «Хоразм адабий муҳити дунё шарқшунослигида» деб номланади. Биринчи фаслда инглиззабон тадқиқотларда XIX аср Хоразм туркий адабий манбаларининг тадқиқи ёритилган. Инглиззабон шарқшуносликда Девин Девис, Рон Села, Вильям Вуд, Паоло Сартори, Юрген Паул, Валтер Хеннинг, Мичели Минарди, Бенедик Пери каби олимлар Хоразм тарихи ва қисман адабиёти билан ҳам қизиқишган. Хусусан, Девин Девис сўфийлик мақомига оид тадқиқотларидан бирида Хоразмлик шоир Хусайн Хоразмий ҳақида ҳам маълумотлар келтирган⁸. Бенедек Пери 2020 йилда Ҳайдар Хоразмийнинг Венгрия фанлар академиясида сақланаётган «Махзан ул-асрор» асари кўлөзма нусхаси асосида унинг инглиз тилига таржимасини амалга оширади⁹. «Махзан ул-асрор» асарининг Будапешт кўлөзмаси асосидаги ушбу нашр икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм кўлөзмада мавжуд расмлар ҳамда матн транскрипциясини, иккинчи қисм асарнинг инглиз тилига таржимасини

⁸Девин Девис. Хусайн Хорезми : среднеазиатский суфий начала XV в. // Из истории суфизми: Источники и социальная практика. – Т., «ФАН», 1991.

⁹Haydar H̄vārizmī“Maḥzan al-asrār” // Edited and Translated by Benedek Péri // Library and Information Centre of the Hungarian Academy of Sciences, 2020.

камраб олади. Олимнинг ушбу тадқиқоти орқали Ҳайдар Хоразмийнинг ижоди хориж туркологиясида, Хоразм шоирлари орасида энг кўп ўрганилганлигининг гувоҳи бўламиз¹⁰. Ушбу асар италян олимлари А.Бомбачи ва Этторе Росси томонидан ҳам ўрганилган¹¹. «Махзан ул-асрор» асарининг биринчи танқидий нашрини 2008 йилда, турк олими Авни Гозуток (1954-2020), бешта кўлёзма нусха асосида амалга оширган¹², аммо у асарнинг Европада сақланаётган нусхаларини кўрмаган.

Хоразм туркий тарихий-адабий манбаларини жиддий ўрганган хорижлик олим Ю.Брегель ҳисобланади. Диссертация ҳажмини эътиборга олиб, айнан унинг илмий ишларига кенгроқ ўрин ажратилди. Юрий Энохович Брегель (1925-2016) - америкалик шарқшунос олим, Ўрта Осиё тарихи, маданияти ва адабиётига бағишланган бир қанча монографиялар муаллифи¹³. Жумладан, Мунис ва Огаҳий биргаликда яратган “Фирдавс ул-иқбол”, Бобожон Санойининг - «Таворихи Хоразмшоҳия» асарларини жиддий ўрганган.

Мунис ва Огаҳий қаламига мансуб “Фирдавс ул-иқбол” тарихий-бадий асари филологик жиҳатдан кам ўрганилган, аммо катта аҳамиятга эга асарлардан биридир. Асарнинг бебаҳо қиммати ҳақида ўзбек ва хориж илм фанида жуда кўплаб фикрлар билдирилган. 1988 йилда америкалик олим Ю.Брегель Мунис ва Огаҳийнинг “Фирдавс ул-иқбол” асарини изоҳлар билан илмий-танқидий матнини, ўн йиллик танаффусдан кейин, 1999 йилда эса инглиз тилига таржимасини нашр қилдиради¹⁴, “Фирдавс ул-иқбол” асари яралганидан салкам икки аср ўтгач, Ўзбекистонда ҳам нашрлари амалга оширилди ва китобхонларга етказилди¹⁵. Ушбу нашрлар айнан Ю.Брегель тайёрлаган илмий-танқидий матн асосида амалга оширилган¹⁶.

¹⁰ Қаранг: İliā Nikolaevich. Berezin, Turetskaĭa Khrestomatiĭa (Kazan: Tip. Universiteta, 1857), 273–287; Haydar Tilbe, Maĥzan al-asrār, ed. Joseph Fedorovich Gottwaldt (Kazan, 1858); Abel Pavet de Courteille, Mĭrādĭj-nāmeĥ. Publiĕ pour la premiĕre fois d’aprĕs le manuscrit ouĭgour de la Bibliothĕque Nationale (Paris:Ernest Leroux, 1882), 54–72 (transl.), 63–95 (text); Ayet Abdŭlaziz Goca, Haydar Tilbe’nin Mahzenŭ’l-Esrār Mesnevisi. Őnsŕz, Giriř, Metin ve Tercŭme, Dizin. Ph. D. dissertation, İstanbŭl Őniversitesi, 2000; Kahhar, Tahir (2000). “Haydar Harezmi (Harzem, 15. Yŭzyıl)”.Bařlangıcından Gŭnŭmŭze Kadar Tŭrkiye Dıřındaki Tŭrk Edebiyatları Antoloĭjisi (Nesir-Nazım) Őzbek Edebiyatı I. C. 14. Ankara: KB Yay. 431-434; Kŕprŭlŭ, M. Fuad (1988). “Çaĭatay Edebiyatı”.İslām Ansiklopedisi. C. 3. İstanbŭl: MEB Yay. 270-323;Eraslan, Kemal “Haydar Tilbe”.Bařlangıcından Gŭnŭmŭze Kadar Bŭyŭk Tŭrk Klāsikleri (Tarih - Antoloji - Ansiklopedi). C. 3. İstanbŭl: Őtŭken Neřriyat Yay., 2004. - P.69-71.

¹¹Рустамов Э.Р. Узбекская поэзия в первой половине XV века. –С.9

¹² Gŕzŭtok, A. Haydar Tilbe, Mahzenŭ’l-Esrār (inceleme-metin-dizin-tpkbasım). – Erzurum: Fenomen Yay, 2008.

¹³Брегель Ю.Э. Сочинения Баяни «Шажараи Хваразмшахи». Как источник по истории туркмен. Краткие сообщения института народов Азии. XLIV. Литературоведение и изучение памятников. Москва, 1961, -С. 125-157; Y. Bregel, ‘The Tawārĭkh-i Khārazmshāhiya by Thanā’ī: The Historiography of Khiva and the Uzbek literary language’, in: Aspects of Altaic Civilization II. Proceedings of the XVIII PIAC, Bloomington, June 29-July 5, 1975, L.V. Clark, P.A. Draghi (eds.), Bloomington 1978, pp. 17-32; Y. Bregel, ‘Tribal Tradition and Dynastic History. The Rulers of the Qongrats according to Munis’, in: Asian and African Studies. 16/3 (1982).

¹⁴Firdavs al iqbal History of Khorezm, edited by Yuri Bregel. Leiden. New York. 1988. –1280 p; Firdavs al iqbal History of Khorezm. Translated from Chaghay and Annotated by Yuri Bregel, LeidenBoston, 1999. –718 p.

¹⁵Шермухаммад Мунис Хоразмий, Муҳаммадризо Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол // нашрга тайёрловчилар: Жумаҳўжа, С.Рўзимбоев, А.Аҳмедов. — Тошкент: Ўқитувчи, 2010. — 381 б; Шермухаммад Мунис Хоразмий, Муҳаммадризо Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол // нашрга тайёрловчилар: Ш.Воҳидов, И. Бекчонов, Н.Полвонов — Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. —518 б.

¹⁶ Шермухаммад Мунис Хоразмий, Муҳаммадризо Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол // нашрга тайёрловчилар: Ш.Воҳидов, И. Бекчонов, Н.Полвонов — Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. –Б.17.

“Фирдавс ул-икбол” асарининг Ю.Брегель тайёрлаган илмий-танқидий матни нашрида ноёб маълумотларга тўла, ҳали фанимизда деярли ўрганилмаган инглиз тилидаги сўзбошиси берилган¹⁷. Ҳажман ноанъанавий бўлган сўзбоши (60-бет) тўртта қисмдан иборат бўлиб: биринчи қисми асар муаллифлари Мунис ва Огаҳий ижодий фаолиятини, иккинчи қисми “Фирдавс ул-икбол” асарининг моҳияти, учинчиси асарнинг ўрганилиши ва ниҳоят тўртинчиси асарнинг кўлөзма нусхалари хусусиятларини очишга қаратилган. Огаҳий таржималари ҳақида ахборот берар экан, Ю.Брегель унинг 6 та тарихий таржима асарининг номи шоирнинг “Таъвиз ул-ошиқин” девони дебчасида келтирилгани («Равзат ус-сафо», «Тарихи жаҳонкушойи Нодирий», «Зафарнома», «Табакоти Акбаршоҳий», «Тазкираи Муқимхоний», «Равзат ус-сафойи Носирий», аммо еттинчиси, яъни Муҳаммад Махдий Астрободийнинг “Дурраи нодира” асари таржимаси ҳақидаги ахборот фақат каталогларда учраши ҳақидаги ноёб маълумотни келтиради: ”A seventh historical translation by Agahi, not mentioned in his list, appears in the catalogues: Durra-i nadira by Mahdi Khan”¹⁸. Ушбу маълумотлар Ю.Брегельнинг ниҳоятда синчковлик билан иш олиб борганидан, Мунис ва Огаҳий ижодига даҳлдор бир қанча манбаларни, дунё каталогларини ўрганганлигидан далолат беради.

Ю.Брегель асарнинг услуби борасида ўз фикрларини билдириб, рус олими П.П.Ивановнинг “асар ниҳоятда жимжимадор, арабий-форсий ибораларга, метафораларга тўла тарзда битилган” деган қарашларини¹⁹ унчалик тўғри эмас, бироз муболағали деб ҳисоблайди. Бизнингча, бу борада П.П.Ивановнинг фикрлари ҳақиқатга яқин бўлиб, Мунис ва Огаҳийнинг тарихий асарлари, бошқа тарихий асарлардан ўзининг нафис тили, мумтоз услуби билан фарқ қилади. Фан тарихидан маълумки, Хоразмда XIX асрда тарихий ва бадий асарлар ёзишда ўзига хос анъана шаклланган, Мунис бошчилигида мактаб яратилган, китобхонлик ривожланган. Аммо олимнинг Мунис ва Огаҳийнинг тарихни ёзишдан мақсади мутлақ холис бўлмаган деган фикрига қўшилиш мумкин. Албатта, асарда Хива хонларини шарафлашга, ўрни келганда уларнинг яхши хислат ва ютуқларини оширишга, душманларни эса камситиш ва қоралашга кўпроқ эътибор қаратилган: “*The work of Munis and Agahi is not at all impartial, and its bias is determined by its explicitly stated purpose: to glorify Eltuzer Khan and later, Muhammad Rahim Khan, as well as their ancestors. This is achieved by the use of verbose epithets and panegyrics in prose and verse wherever these royal personages appear as actors, as well as by exalting their qualities and motives and depreciating and vilifying their enemies*”²⁰. Ю.Брегель манбаларни солиштириш орқали фанда биринчи бўлиб, Санкт-Петербургда сақланаётган 571(590) рақамдаги кўлөзманинг Мунис ва Огаҳийнинг автографи эканини исботлайди.

¹⁷Firdavs al iqbal History of Khorezm, edited by Yuri Bregel. Leiden. New York. 1988. – p.1-60 .

¹⁸ Firdavs al iqbal , 1988. – p.9-10.

¹⁹ Иванов П. П. Хивинские хроники XIX в. Муниса Агехи как источник по истории туркмен// Материалы по истории туркмен и Туркмении. – Т.П.–М–Л.,1938. – С.25.

²⁰Firdavs al iqbal, 1988. – p.31.

Шунингдек, олим илк бора, асарнинг фанга маълум 9 та қўлёзмаси, уларнинг қайси каталогларга киритилгани ҳақида юқоридаги шаклда бирма-бир ахборот беради.

II бобнинг иккинчи фасли **“Фирдавс ул-иқбол” асарининг Ю.Брегель таржимасига хос хусусиятлари**» деб номланади. “Фирдавс ул-иқбол” асарига ўхшаган қомусий асарлар таржимасига киришган таржимондан нафақат тил, балки маданият, турмуш, урф-одатлар, этнография, география соҳасида ҳам чуқур билимлар талаб қилинади. Асарда бугунги китобхонга тушунилиши қийин бўлган арабий ва форсий иборалардан ташқари, жуда кўплаб истиора, муболаға, ўхшатиш каби шеърӣ санъатлар, 3000 мисрадан ортиқ назмӣ парчалар келтирилган. Шунинг учун асарни инглиз тилига таржима қилиш осон кечмаган, бу жараён бир неча йилларга чўзилган. “Фирдавс ул-иқбол” асарининг Ю.Брегель таржимасига хос хусусиятларини ўрганиш асосида олимнинг транслитерация, транскрипция, калкалаш, тасвирий таржима, яқинлаштирилган таржима ва трансформацион таржима каби таржима усулларида фойдаланганлиги маълум бўлди.

Ю.Брегель асар тилидан келиб чиқиб, асл матннинг барча услубий безакларини сақлашни лозим топмаган ва мутлақ таржимани амалга оширишни мақсад қилмаган. Масалан, асар дебочаси жуда мураккаб шарқона услубда битилган, уни тушуниш нафақат оддий китобхонга, балки мутахассиснинг ҳам луғатсиз англашига имкон бермайди. Асар дебочасидаги қўйидаги парча фикримизга ёрқин далилдир: *“Олиймакон султонларнинг дабдабаи ҳашамати ва гардунтавон хоқонларнинг кавкаба²¹и давлати ул подшоҳи алалитлоқ²²нинг қуллуғи билан интизом топарким, олами носут²³анинг боргоҳи салтанати олдида бир қазо²⁴и муҳаққар²⁵дур ва фазои малакут даргоҳи узмат²⁶идин бир саҳни муқассар²⁷. Маъмураи кавну макон²⁸ зобита²⁹и қудратидин мазбут³⁰, олами арвоҳ ва абдон³¹ робита³²и ҳикматидин марбут³³.”* Шу биргина парчада, шунча сўзни изоҳлашга тўғри келганини инобатга олсак, таржима фақат изоҳлардан иборат бўлиб қолиши табиӣ. Шунинг учун Ю.Брегель инглиз китобхонини асарнинг кўпроқ мазмуни билан таништиришга, услубий унсурлар уммонида асарнинг тарихий аҳамияти йўқолиб кетмаслигига ҳаракат қилган. Ю.Брегель таржимасида барча шеърлар таржима қилинмаган. Асарда мавжуд 767 та шеърӣ парчадан

²¹ Кавкаба – улугворлик, шон-шавкат.

²² Алал итлоқ – мутлақ, бутунлай.

²³ Носут – моддий олам.

²⁴ Қазо – мақом, ўрин.

²⁵ Муҳаққар – кичик, арзимас.

²⁶ Узмат – буюклик.

²⁷ Муқассар – қусурли, айбли; кичик, калта, қисқа.

²⁸ Маъмураи кавну макон – ер юзи.

²⁹ Зобита – тартиб, қонун.

³⁰ Мазбут – тартиб-интизом топган.

³¹ Олами арвоҳ ва абдон – руҳий ва моддий олам.

³² Робита – боғланиш.

³³ Шермуҳаммад Мунис Хоразмӣ, Муҳаммадризо Огаҳӣ. Фирдавс ул-иқбол // нашрга тайёрловчилар: Ш.Воҳидов, И. Бекчонов, Н.Полвонов — Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. –Б.23.

60% таржима қилинган. Таржималарни ҳаммасини ўрганиб, баҳоли қудрат асл матн билан қиёсланди ва ишнинг иловасида берилди.

“Фирдавс ул-икбол” асари дебوحаси, энг сифатлашларга бой, шеърий санъатлар сероб бўлган қисм ҳисобланади. Мазкур манба поэтикаси илмда деярли ўрганилмаган.³⁴ Масалан:

Асл матнда

Хотир аро меҳнату ғам бор эди,
Ранжу аъно жон аро бисёр эди.

Ғолиб ўлуб бошима савдои ёс,
Бўлмиш эдим сокини саҳрои ёс.
Бир тун этиб ман сори давлат ружу,

Ахтари толе манга қилди тулу.
Яъни бошим узра етиб қосиде,
Манзили мақсуд сори қоиде³⁵.

Таржимада

My mind was full of misery and grief,
And my soul was full of anguish and
distress,

I was overwhelmed by melancholy,
I dwelt in the desert od sorrow.
One night good fortune turned toward
me,

The star of fortune rose for me;
A courier, that is, came to me,
And made his way to my abode.

Ю.Брегель таржимасида оригинал матндаги буёқдорлик, истиоравийлик яхши сақланган. Мутаржим шеърий структурани, ритмни сақлашга уринган. Маълумки, таржима қурбонсиз бўлмайди. Баъзида сўзнинг муқобили топилмайди, баъзида этник хусусиятлар устун келади. Ю.Брегель таржимасида шундай жумлалар борки, уларда инглиз тилининг хусусиятларидан кўра, оригинал матн тили характериға кўпроқ урғу берилган, натижада таржима тилида сунъийлик, зўрма-зўракилик сезилади:

*That one could say it was like the Day of Ressurrection, but one hundredfold³⁶
(more)*

Асл мантда: Ки деса бўлур юз қиёматча бор³⁷.

“Фирдавс ул-икбол” асарида диний лексикаға ҳам кенг ўрин ажратилган. Бу фикр Қуръон оятларининг, ҳадисларнинг, диний иборалар ва образларнинг кўплаб келтирилиши билан изоҳланади. Ю.Брегель Қуръон оятларининг изоҳлар таржимасида британиялик шарқшунос олим Артур Джон Арберри (1905- 1969) таржимасидан фойдаланганини ёзади: “*Translation of Qur'anic quotations are given according to the English translation by A.J. Arberry*”³⁸ Шуни айтиш жоизки, “Фирдавс ул-икбол” асарида келтирилган диний лексика ҳам бежиз келтирилмаган, балки бирор воқеа баёни ёки фикр изоҳи, таъкиди учун хизмат қилган. Асар таржимасида келтирилган Қуръон сураларидаги оятларини ўрганиб чиқиш натижасида, Ю.Брегель таржимада ўта эҳтиёткорлик билан ёндашгани аниқланди ва

³⁴ Қаранг: Халлиева Г. “Фирдавс- ул- икбол” дебوحаси адабий манба сифатида//Ўзбек тили ва адабиёти.№1. – Тошкент. 2009. –Б.74-78.

³⁵ Фирдавс ул-икбол // нашрга тайёрловчилар: Ш.Воҳидов, И. Бекчонов, Н.Полвонов. -Б.35.

³⁶ Firdavs al iqbal , 1999. – p. 277-278

³⁷ Фирдавс ул-икбол // нашрга тайёрловчилар: Ш.Воҳидов, И. Бекчонов, Н.Полвонов. –Б 290.

³⁸ Firdavs al iqbal , 1999. –p. LXIII

ишнинг иловасида барча таржималар келтирилди.

Қуръони карим оятлари, ҳадис ва айрим диний истилоҳлар Ю.Брегельнинг илмий-танқидий нашрида ўз ҳолида берилган. Асарда деярли барча суралардан оятлар келтирилган. Таржима жараёнида баъзи сураларнинг рақамлари хато белгиланган ёки техник хатолик юз берган деб тахмин қилиш мумкин. Масалан, фажр сурасидаги (89) 7-8 оятлар Ю.Брегель *таржимасида* “*Iram (the land) of the pillars, the like of which was never created in the land*” тарзида берилган, аммо изоҳда сура рақами 84 деб кўрсатилган³⁹.

Иккинчи бобнинг учинчи фаслида рус шарқшунослигида Хоразм туркий адабий манбалари тадқиқи ёритилган. “Фирдавс ул-иқбол” асари рус шарқшунослигида ҳам ўрганилган. Бу борада, айниқса, А.Амирханянцнинг адабиётшуносликда деярли ўрганилмаган, Санкт-Петербургда, шарқшунослар архивида сақланаётган илмий изланиши муҳим рол ўйнайди (ишнинг иловасида тўлиқ келтирилди). Манбани тўлиқ ўрганиш асосида, А.Амирханянц фойдаланган кўлёзма ҳозирда Финляндияда, Хельсинки кутубхонасида сақланаётгани аниқланди.

